

**БОТАНИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.В.39.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАЖАБОВ ТОШПЎЛОТ ФАЙЗУЛЛОЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН ЯРИМ ЧЎЛ ЯЙЛОВЛАРИ ЎСИМЛИКЛАР
ҚОПЛАМИНИНГ ТРАНСФОРМАЦИЯСИНИ ЭКОЛОГИК-
ФИТОЦЕНОТИК БАҲОЛАШ
(Қарнобчўл мисолида)**

03.00.05 – Ботаника

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of the dissertation abstract of doctor of sciences (DSc)

Ражабов Тошпўлот Файзуллоевич

Ўзбекистон ярим чўл яйловлари ўсимликлар қопламининг
трансформациясини экологик-фитоценотик баҳолаш
(Қарнобчўл мисолида)..... 3

Ражабов Тошпўлот Файзуллоевич

Эколого-фитоценотическая оценка трансформации растительного
покрова полупустынных пастбищ Узбекистана
(на примере Карнабчуля)..... 29

Rajabov Toshpulot Fayzulloevich

Ecological-phytocoenotical assessment of transformation of semi-desert
rangeland vegetation of Uzbekistan
(in case of Karnabchul)..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 59

**БОТАНИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.В.39.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАЖАБОВ ТОШПЎЛОТ ФАЙЗУЛЛОЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН ЯРИМ ЧЎЛ ЯЙЛОВЛАРИ ЎСИМЛИКЛАР
ҚОПЛАМИНИНГ ТРАНСФОРМАЦИЯСИНИ ЭКОЛОГИК-
ФИТОЦЕНОТИК БАҲОЛАШ
(Қарнобчўл мисолида)**

03.00.05 – Ботаника

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.DSc/B142 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (botany.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Раҳимова Ташҳаним

биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хамраева Диловар Толибджонова

биология фанлари доктори

Хамидов Гулом Хамидович

биология фанлари доктори, профессор

Мавланов Хударган

биология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Ботаника институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.B.39.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «17» июнь куни соат 15⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100125, Тошкент ш., Дўрмон йўли кўчаси, 32-уй. Ботаника институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 262-37-95, факс: (+99871) 262-79-38, e-mail: botany@academy.uz).

Диссертация билан Ботаника институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (47-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100125, Тошкент ш., Дўрмон йўли кўчаси, 32-уй, Тел.: (+99871) 262-37-95.

Диссертация автореферати 2022 йил «01» июнь куни тарқатилди.
(2022 йил «01» июндаги 2-рақамли реестр баённомаси).

К.Ш. Тожибаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., проф., академик

Б.А. Адиллов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, б.ф.н., катта илмий ходим

Х.Ф. Шомуродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., проф.

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё миқёсида антропоген омиллар комплекс таъсирининг кучайиб бориши глобал яйлов экотизимлари структурасининг жиддий ўзгаришларига ҳамда экологик ва хўжалик жиҳатдан муҳим бўлган функцияларининг издан чиқишига олиб келмоқда. Яйловларда инкироз жараёнларининг кучайганлиги ва бунинг оқибатида табиий ем-хашак захирасининг кескин қисқариб бораётганлиги яйловларда мавжуд фитогенетик ресурслардан барқарор фойдаланишни талаб этади. Шунга кўра, яйловларнинг ҳозирги экологик-фитоценотик ҳолати ва асл хўжалик имкониятларини баҳолаш асосида улардан самарадор фойдаланиш механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Жаҳонда чорва молларининг доимий боқилиши шароитида содир бўладиган яйловлар трансформациясини баҳолаш ва башоратлашнинг функционал индикаторларини аниқлаш ва концептуал моделларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, турли минтақалардаги яйловларнинг антропоген ўзгаришларини моделлаштириш ва яйловларни бошқаришнинг экотизим қонуниятларига асосланган адаптив усулларини яратиш борасида муайян натижаларга эришилди. Бу борада яйлов фитоценозлари ва ундаги эдификатор турларнинг боқилиш даражасининг ортишига бўлган муносабатларини комплекс тадқиқ қилиш, трансформация траекториялари ва унинг макондаги узлуксиз босқичларини белгилашнинг муҳим механизмларини аниқлашни тақозо этади. Бу ўринда, қурғоқчил минтақа яйловларининг катта қисми жиддий антропоген трансформацияга учраганлиги яйловларнинг ҳозирги ҳолати ва алмашинув тенденцияларини баҳолашда янги ёндашувлардан фойдаланиш заруратини белгилаб беради. Шу нуқтаи назардан, қурғоқчил яйловлар ўсимликлар қопламида чорва молларининг тизимсиз боқилиши таъсирида содир бўлаётган инкироз жараёнларини чуқур тадқиқ қилиш орқали яйловлар трансформациясини баҳолашнинг замонавий экологик-фитоценотик мезон ва моделларини ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан бири саналади.

Ҳозирда республикамызда яйловларнинг табиий ўсимликлар қопламини асраш ва улардан барқарор фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ “атроф-табиий муҳитга зиён етказадиган экологик муаммоларни олдини олиш борасида тизимли чора-тадбирлар кўриш” бўйича муҳим ва долзарб вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда яйловларнинг ҳозирги ўзгариш тенденцияларини аниқлаш, турли антропоген омиллар, айниқса чорва моллари боқилиши таъсирида трансформацияга учраган яйловларнинг экологик-фитоценотик ҳолати ва хўжалик имкониятларини замонавий ёндашувлар асосида баҳолаш ҳамда

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони

инкирознинг олдини олиш учун яйловлардан фойдаланишнинг самарадор усуллари ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга жорий этиш ушбу тадқиқот ишининг зарурати белгилайди ва муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 апрелдаги 299-сон “Маъмурий-худудий бирликлар чегараларини белгилаш, ер ресурсларини хатловдан ўтказиш ҳамда яйлов ва пичанзорларда геоботаник тадқиқотларни ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилнинг 20 майдаги 538-сон “Яйловлар тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июлдаги ПҚ-5178-сон “Республикада мавжуд яйловлардан унумли фойдаланиш, ипак ва жунни қайта ишлашни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Қурғоқчил яйлов экотизимларининг экологик ва фитоценотик шароитларини баҳолаш ва яйловлардан экотизим қонуниятларига асосланган ҳолда барқарор фойдаланишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Texas A&M University (АҚШ), Ben-Gurion University of the Negev (Исроил), Macquarie University (Австралия), New Mexico State University (АҚШ), China Agricultural University (Хитой), Australian Centre for International Agricultural Research (Австралия), Utah State University (АҚШ), Soil Conservation Service of Iceland (Исландия), Society for Range Management (АҚШ), Society for Ecological Restoration (АҚШ), Ботаника институти, Самарқанд давлат университетида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Яйлов экотизимларининг ҳозирги ҳолатини мониторинг қилиш, яйлов ўсимликлар қопламанинг турли табиий ва антропоген омиллар таъсиридаги динамик ўзгаришларини ўрганиш, яйловларнинг макон ва замондаги узоқ йиллик ўзгаришларини хариталашга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан қуйидаги натижалар олинган: чорва моллари боқилиши шароитида яйлов фитоценозлари трансформациясини баҳолашнинг экологик концепциялари ва моделлари ишлаб чиқилган (Texas A&M University, АҚШ); инкирозга учраган яйловларни экологик қайта тиклаш механизмлари ва принциплари аниқланган (Society for Ecological Restoration, АҚШ); қурғоқчил худуд яйловларини масофавий зондлаш

²Диссертация мавзуси бўйича илмий-тадқиқотлар шарҳи <https://rangelands.org>, <https://rangelandsgateway.org>, <https://austrangesoc.com.au>, www.savory.global, www.ser.org, www.webofscience.com, www.sciencedirect.com ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

усулларига асосланган вегетацион индекслар ёрдамида баҳолашнинг интеграллашган усуллари яратилган (Ben-Gurion University of the Negev, Исроил); яйловлардан барқарор фойдаланишнинг экотизим қонуниятларига асосланган адаптив усуллари такомиллаштирилган (Society for Range Management, АҚШ).

Дунёда яйлов экотизимларининг барқарорлигини таъминлаш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича қатор, жумладан куйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: яйловларнинг иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатишдаги ролини аниқлаш ва уни ошириш; масофавий зондлаш ва натурада олинган маълумотлар асосида яйловларни баҳолашнинг уйғунлашган усулларини такомиллаштириш; яйлов ҳудудларининг ҳозирги экологик ҳолатини экс эттирувчи таҳлилий хариталар тузиш; яйловларнинг экотизим хизматларини сақлаб қолиш усулларини ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон қурғоқчил яйловлари ўсимликлар қопламининг турли ташқи омиллар, хусусан чорва моллари боқилиши таъсиридаги динамик ўзгаришларини ўрганиш И.С.Амелин (1944), А.И.Гранитов (1950), В.А.Бурыгин ва бошқ. (1956), Л.С.Гаевская ва Е.С.Краснополин (1957), Л.С.Гаевская ва Н.С.Сальманов (1975), Л.П.Синьковский (1989) ва бошқаларнинг ишларида акс эттирилган. Қурғоқчил ҳудуд яйловларини яхшилаш ва ҳосилдорлигини фитомелиорация усуллари ёрдамида ошириш ишлари Г.А.Сергеева (1954), В.А.Бурыгин (1955), З.Е.Хаськина (1958), З.Ш.Шамсутдинов (1963, 1975), И.Ф.Момотов (1973, 1978), О.Х.Хасанов ва бошқ. (1977, 1983) ва бошқалар томонидан амалга оширилган. Яйловларни масофавий зондлаш усуллари ёрдамида баҳолаш ва яйлов ўсимликлар қоплами хариталарини тузиш бўйича маълумотлар У.Алланазарова ва бошқ. (1982, 1993), Т.В.Овчинникова (1995), В.Е.Чуб (1998), Ҳ.Ф.Шомуродов ва бошқ. (2008), Рахимова ва бошқ. (2018), Ҳ.Ф.Шомуродов (2018) ишларида келтирилган. Яйловларнинг турли антропоген омиллар таъсиридаги деградацияси ва чўлланиш жараёнларини ўрганиш ишлари У.Алланазарова ва бошқ. (2004), Т.Рахимова (2005), О.Х.Хасанов ва бошқ. (2006), Adilov et al. (2021) томонидан амалга оширилган.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кундаги тадқиқотлар яйловларга антропоген таъсирларнинг кучайиши натижасида фитоценозда содир бўладиган регрессив ўзгаришларнинг қонуниятларини аниқлаш, яйловлар трансформациясини баҳолаш ва яйловларнинг ҳозирги экологик-фитоценотик ҳолатини хариталашда сўнгги илм-фан ютуқларидан фойдаланиш бўйича маълумотларни ўзида тўлиқ акс эттирмайди. Шунга кўра, чорва моллари боқилиши шароитида яйловлар трансформациясини экологик-фитоценотик баҳолашда ўсимликлар қопламининг индикацион хусусиятларини комплекс тадқиқ қилиш, яйлов инқирози ва унинг турли даражаларини белгилайдиган фитоиндикаторларни ва унинг фитоценотик мезонларини аниқлаш, узоқ йиллик фитоценотик маълумотларни масофавий зондлаш технологияларига интеграция қилиш орқали яйловлар трансформациясини комплекс баҳолаш усулларини ишлаб чиқиш муҳим

илмий-амалий аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ЁА-7-1 “Ўзбекистон чўл яйловларидан оқилона фойдаланишнинг интеграллашган ва экологик самарали усуллари ишлаб чиқиш (Қарнобчўл мисолида)” (2016-2017), ЁА-5-1 “Зирабулоқ-Зиёвуддин паст тоғлари ўсимликлар қопламининг замонавий флористик таркиби ва экологик-фитоценотик ҳолатини ўрганиш” (2016-2017), E0600890 “Ecological assessment of Artemisia rangelands in Uzbekistan: Novel analysis of degradation/desertification trends using Remote Sensing and GIS” (2018-2019) мавзуларидаги амалий ва фундаментал лойиҳалар ҳамда халқаро грантлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади турли даражада трансформацияга учраган ярим чўл яйловлари ўсимликлар қопламининг ўзгариш хусусиятларини аниқлаш ва яйловларни экологик-фитоценотик баҳолашнинг мезон ҳамда моделларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

узоқ муддатли чорва моллари боқилиши шароитида яйлов фитоценозларининг индикацион хусусиятларини аниқлаш;

яйлов ўсимликлар қоплами трансформациясини баҳолашнинг концептуал экологик моделларини яратиш;

Қарнобчўл ва унга туташ Зирабулоқ-Зиёвуддин тоғлари яйлов ўсимликлар қопламининг ҳозирги фитоценотик хилма-хиллигини тадқиқ қилиш ва замонавий таснифини ишлаб чиқиш;

натура ва масофавий зондлаш маълумотларининг интеграцияси асосида яйловлар ҳолатини баҳолашнинг уйғунлашган усуллари ишлаб чиқиш;

масофавий зондлаш усуллари ёрдамида яйлов ўсимликлар қопламининг узоқ йиллик ўзгаришларини таҳлил қилиш ва уларнинг хариталарини тузиш;

яйловлар трансформациясини баҳолаш ва уларни адаптив бошқариш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Қарнобчўл ярим чўли ва Зирабулоқ-Зиёвуддин тоғлари яйлов ўсимликлар қоплами ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети - флористика, фитоценология, экология, хариталаш, масофавий зондлаш.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида дала ва лаборатория тадқиқотлари, геоботаник, қиёсий-таққослаш, фенологик, экологик, хариталаш ва статистик методлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор ўсимлик жамоалари фитоценотик кўрсаткичларининг чорва моллари боқилиши шароитидаги индикацион белгилари ва уларнинг ҳосил бўлиши хусусиятлари очиқ берилган;

ярим чўл яйловларининг тупроқ хусусиятларига кўра фитоценоз структураси инқироз индикаторларининг фарқланиши аниқланган;

яйлов инқирозининг турли даражаларини белгилайдиган фитоценотик

баҳолаш мезонлари ва уларнинг миқдорий кўрсаткичларини ўрнатиш механизмлари аниқланган;

яйлов фитоценозлари трансформациясининг чорва моллари боқилиши шароитидаги экологик-фитоценотик моделларини яратиш принциплари очиб берилган;

Қарнобчўл ва Зирабулоқ-Зиёвуддин тоғлари яйловларининг замонавий таснифи ишлаб чиқилган ва 17 та яйлов типига мансуб 37 та яйлов хилларининг 54 фоизи антропоген характерга эга эканлиги аниқланган;

ярим чўл яйловларининг антропогенизацияси ва унинг шаклланиш хусусиятлари асосланган;

вегетацион индексларнинг тренд таҳлиллари асосида яйлов ўсимликлар қопламининг инқироз даражаси ортиб бораётганлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ярим чўл яйлов фитоценозларининг чорва моллари боқилиши шароитидаги алмашинувларини баҳолаш ва уларни прогнозлашда қўлланиладиган концептуал экологик-фитоценотик моделлар яратилган;

масофавий зондлаш усуллари асосида Қарнобчўл ярим чўли ва Зирабулоқ-Зиёвуддин тоғлари яйлов ўсимликлар қоплами антропоген трансформацияси ва яйлов ҳосилдорлигини акс эттирувчи замонавий хариталари тузилган;

дала маълумотлари ва масофавий зондлаш усуллари уйғунлигида яйлов ўсимликлар қоплами трансформациясини мониторинг қилиш ва баҳолаш бўйича концептуал тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда қўлланилган замонавий усуллар ва илмий ёндашувлар асосида олинган натижаларнинг назарий маълумотларга мос келиши, тадқиқот натижаларининг республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, натижаларнинг етакчи маҳаллий илмий нашрларда ва импакт фактори юқори бўлган хорижий журналларда чоп этилганлиги, диссертация ишининг амалий натижалари тегишли давлат ташкилотлари томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти чорва моллари боқилиши шароитида яйлов фитоценозлари трансформациясининг индикацион ва диагностик хусусиятларининг очиб берилганлиги, ўсимлик жамоаларининг иккиламчи антропоген сукцессияси механизмининг ёритилганлиги, тадқиқот ҳудуди яйлов типлари ва хилларининг турлар таркиби антропоген омиллар таъсирида кескин ўзгаришларга учраганлигининг аниқланганлиги, вегетацион индексларнинг тренд таҳлиллари асосида яйловларнинг инқироз даражаси ортиб бораётганлигининг аниқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти чорва моллари боқилиши шароитида яйлов инқирози ва унинг турли даражаларини аниқлайдиган фитоиндикаторлар ва фитоценотик мезонларнинг ўрнатилганлиги, яйловлар трансформациясини баҳолаш ва уни прогнозлашда фойдаланиладиган экологик моделларнинг яратилганлиги, дала ва масофавий зондлаш

маълумотларининг ўзаро интеграцияси асосида яйловлар трансформацияси ва яйлов ҳосилдорлиги хариталарининг тузилганлиги, яйлов ўсимликлар қоплами трансформациясини экологик-фитоценотик баҳолашнинг уйғунлашган усулларининг ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қарнобчўл ярим чўли ва унга туташ Зирабулоқ-Зиёвуддин тоғлари яйлов ўсимликлар қопламининг ҳозирги ҳолатини ўрганиш бўйича олинган натижалар асосида:

яйлов ўсимликлар қопламининг ҳозирги экологик-фитоценотик ҳолати, яйловларнинг инқирозга учраш даражалари ва ем-хашак ҳосилдорлигига оид маълумотлар Самарқанд вилояти қорақўлчиликка ихтисослашган хўжаликлар (“Сахобаота қорақўл насл”, “Тим-Ағрон чорвадорлари” ва “Тутли қорақўл замини”) фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитасининг 2021 йил 14 декабрдаги 1-2/1362-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари яйлов ўсимликлар қопламининг ҳозирги фитоценотик ҳолати ва хўжалик имкониятларидан келиб чиқиб, яйловлардан унумли фойдаланиш, инқирозга учраган яйлов майдонларини яхшилаш ва яйловларни барқарор бошқариш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш имконини берган;

трансформацияга учраган яйлов фитоценозларини мониторинг қилиш ва баҳолашнинг фитоценотик мезонлари ва концептуал экологик моделлари “Ўздаверлойиха” давлат илмий-лойиҳалаш институтининг республика яйловлар ҳолатини баҳолаш бўйича амалий фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 23 ноябрдаги 02/027-4731-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари республика курғоқчил ҳудудларидаги яйловларни геоботаник тавсифлаш ва ўсимликлар қопламининг ҳозирги экологик ва хўжалик ҳолатини баҳолашнинг усулларини такомиллаштириш имконини берган;

тадқиқот ҳудудида аниқланган ўсимлик турлар таркиби ҳамда йиғилган намуналар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти Ўзбекистон флораси лабораториясининг №ПЗ-20170925347 сонли “Зарафшон тизмаси ғарбий тармоқлари флорасини тўр тизимли хариталаш ва алоҳида аҳамиятга эга ботаник ҳудудларни аниқлаш” (2018-2020 йй.) амалий лойиҳасида ҳудудни тўр тизимли хариталашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2022 йил 03 февралдаги 4/1255-233-сон маълумотномаси). Натижада, Самарқанд ва Навоий вилоятлари ҳудудининг биохилма-хиллигини аниқлаш, тўр тизимли хаританинг алоҳида квадратларида турлар хилма-хиллиги ҳамда йиғмалар зичлигини тўлдириш имконини берган. Шунингдек, Қарнобчўл ва Зирабулоқ-Зиёвуддин тоғлари ҳудудидан терилган 87 та юксак ўсимлик турларининг 105 та гербарий намуналари Ўзбекистон Миллий гербарийси (TASH) республика ноёб илмий объекти фондида топширилган. Натижада, гербарий намуналари Ноёб объектнинг Бухоро ва Қўҳистон ботаник-географик округлари ўсимликлари коллекциясини бойитган ва botany.uz электрон маълумотлар базасини шакллантириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот ишининг натижалари 18 та, жумладан 9 та халқаро, 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 41 та илмий иш нашр этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 11 та илмий мақола, жумладан 8 та республика ва 3 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, етти боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 192 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши ҳақидаги маълумотлар, диссертация мавзуси бўйича мамлакатимизда ва хорижда амалга оширилган илмий-тадқиқотлар шарҳи келтирилган.

Диссертациянинг **“Яйлов ўсимликлар қопламидан фойдаланиш ва уни ўрганиш тарихи”** номли биринчи бобида қадимги даврлардан бошлаб яйловлардан фойдаланиш тизимлари, тартиб қоидалари ва уларнинг асрлар давомида шаклланиши ҳамда асосий ривожланиш босқичлари адабиётлар асосида таҳлил қилинган. Яйловлардан фойдаланишнинг тарихий тизими яйлов ўсимликлар қоплами ва ундаги ем-хашак захираларининг барқарорлигини таъминлаб келганлиги, яйлов чорвачилиги табиат қонунлари билан ўзаро уйғунликда ривожланганлиги батафсил ёритилган.

XIX аср охири XX аср бошларига келиб яйловлардан фойдаланишнинг ушбу тадрижий-тарихий тизимига босқичма-босқич барҳам берилганлиги, кейинчалик яйлов чорвачилиги соҳаси интенсив босқичга ўтганлиги ва бугунги кунга келиб яйловлардан фойдаланиш тизимининг издан чиқиши натижасида катта майдондаги яйловларнинг инкирозга учраш сабаблари таҳлил қилинган. Бу даврда яйловларни ўзлаштириш, яйловлар ем-хашак захираларини аниқлаш, ҳосилдорлигини ошириш, озуқа базасини мустаҳкамлаш ва сунъий агрофитоценозлар барпо этишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот ишларининг таҳлили келтирилган.

Бугунги кунга келиб яйловлардан тизимсиз фойдаланиш оқибатида вужудга келган мураккаб вазият ўсимликлар қопламининг бугунги экологик-

фитоценотик ҳолати ва асл хўжалик имкониятларини комплекс баҳолаш асосида яйлов экотизимлари барқарорлигини таъминлаш ва инқирозга учраган майдонларни қайта тиклашнинг самарадор усулларини ишлаб чиқишни талаб этиши асосланган.

«Тадқиқот ҳудудининг табиий шароити, тадқиқот материаллари ва усуллари» деб номланган иккинчи бобда Қарнобчўл ярим чўли ва Зирабулоқ-Зиёвуддин тоғларининг физик-географик хусусиятлари ва тупроқ-иклим шароитлари батафсил ёритилган. Тадқиқот ҳудуди мезотермик тоғ ва ксеротермик чўл минтақаси кесиммасида жойлашган ярим чўл ҳудудини ўзида намоён этади ва адир, тоғ олди текисликлари ва паст тоғларни ўз ичига олади.

Тадқиқотлар давомида геоботаник, статистик, индикацион-диагностик, экологик моделлаштириш ва масофавий зондлаш усулларидан фойдаланилди. Яйлов ўсимликлар қопламининг ҳозирги фитоценотик ҳолати, яйлов типлари ва хилларини ажратиш ва уларнинг чорва моллари боқилиши шароитидаги ўзгариш тенденцияларини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар 2012-2021 йилларнинг турли мавсумлари давомида ўтказилди.

Ўрганилган яйлов хиллари турлар таркибини аниқлаш мақсадида тадқиқот ҳудудидан 500 дан ортиқ ўсимлик намуналари йиғилди, уларнинг фотосуратлари олинди. Ушбу ўсимлик намуналарининг систематик ҳолатини аниқлашда “Флора Узбекистана” (1941-1962), “Определитель растений Средней Азии” (1968-1993) классик аниқлагичларидан фойдаланилди. Таксонларнинг (тур, туркум, оила) сўнгги янгиланган илмий номларига аниқлик киритишда К.Ш.Тожибаев ва бошқаларнинг (2018) “Кадастр флоры Узбекистана: Самаркандская область”, Plants of the World Online (2017) манбалари асос қилиб олинди.

Ўсимлик турларининг ҳаётий шакллари И.Г.Серебряков (1964) таснифи асосида таҳлил қилинди. Яйлов хиллари таркибидаги ўсимликларнинг ейилувчанлик даражаси Ларин ва бошқ. (1956) томонидан ажратилган 6 та гуруҳга (хуш кўриб ейиладиган, яхши ейиладиган, қониқарли ейиладиган, ёмон ейиладиган, ейилмайдиган, заҳарли) бўлиб таҳлил қилинди.

Тадқиқот ҳудуди яйлов ўсимликлар қопламининг ҳозирги ҳолатини ўрганиш мақсадида маршрутли-рекогносцировкали ва стационар тадқиқот усуллари асосида 426 та яйлов майдонларида геоботаник тавсифлаш ишлари амалга оширилди. Тадқиқот ҳудудида олиб борилган геоботаник тавсифлаш натижалари асосида Қарнобчўл ярим чўли ва Зирабулоқ-Зиёвуддин тоғлари яйловларининг таснифи (яйлов типлари ва хиллари) умумқабул қилинган услублар асосида ишлаб чиқилди (Методические указания, 1980).

Фитоценозларнинг боқилиш омили таъсиридаги фитоиндикацион хусусиятларини ўрганиш ва яйлов инқирозини баҳолашнинг миқдорий мезонларини ишлаб чиқишда умумқабул қилинган эталон услублар ва уларнинг принципларидан фойдаланилди (Виноградов, 1964; Викторов ва Ремезова, 1988; Veski, Westoby, 2001).

Фитоценозларнинг боқилиш шароитидаги алмашинув жараёнларини ўрганиш, сукцессион қаторларини ишлаб чиқиш ва экологик-фитоценотик

моделини яратишда В.Д.Александрова (1964), Л.Я.Курочкина, Г.Б.Макулбекова (1985), В. Bestelmeyer et al. (2003), Т.К. Stringham et al. (2003) тавсия этган методлардан фойдаланилди. Шунингдек, замонавий яйлов тадқиқотларида кенг қўлланилаётган *Rangeland Health* (NRC, 1994; Briske et al., 2005), *Threshold Concept* (Bestelmeyer, 2006), *Resilience and Resistance* (Briske et al., 2008; Bestelmeyer, Briske, 2012) каби экологик концепциялар ва уларнинг принциплари кенг татбиқ этилди.

Натурада олинган геоботаник натижалар ва ишлаб чиқилган экологик-фитоценотик моделларни Географик Ахборот Тизимлари (ГАТ) ва Масофавий Зондлаш (МЗ) технологияларига интеграция қилиш орқали яйлов ўсимликлар қопламнинг ҳозирги ҳолати ва уларнинг трансформацияга учраш хусусиятлари ўрганилди. Мазкур тадқиқотларда глобал очик маълумотлар базасида (<https://earthexplorer.usgs.gov>) мавжуд бўлган Landsat сериясининг тўртта сканерловчи сенсорлари (MSS, TM, ETM+, OLI) томонидан 1990-2020 йиллар оралиғида рўйхатга олинган жами 572 та мультиспектрал космофотосурат (КФС) лардан фойдаланилди.

Яйловларнинг ҳозирги ҳолатини ўрганишда энг кўп қўлланиладиган 5 та вегетацион спектрал индекслар, яъни NDVI (*Normalized Difference Vegetation Index*), SAVI (*Soil-Adjusted Vegetation Index*), EVI (*Enhanced Vegetation Index*), PVI (*Perpendicular Vegetation Index*), TSAVI (*Transformed Soil Adjusted Vegetation Index*) танланди ва уларнинг тадқиқот ҳудуди яйлов ўсимликлар қопламини баҳолашдаги потенциали аниқланди.

Масофавий зондлаш усуллари ёрдамида яйловларнинг инкироз даражаларини таснифлашда L. Breiman (2001) нинг “*Random Forest*” усулидан фойдаланилди. Бунда тадқиқот ҳудудидаги 219 та яйлов майдонларида олинган маълумотлар “*Random Forest*” алгоритмига Python тилининг *Anaconda* дастурлаш муҳити ёрдамида таснифлаш ишлари амалга оширилди. Барча рақамли маълумотлар тўплами Г.Ф.Лакин (1990), R. Sokal & F. Rohlf (2012) ларнинг статистик методлари асосида қайта ишланди.

«Ярим чўл яйлов ўсимликлар қопламининг ҳозирги фитоценотик ҳолати» мавзусидаги учинчи бобда тадқиқот ҳудуди яйлов ўсимликлар қопламининг турлар таркиби, яйлов типлари ва хилларининг фитоценотик ҳолати бўйича комплекс таҳлиллар келтирилган.

Биринчи бўлим тадқиқот ҳудуди яйлов фитоценозлари ценофлорасининг турлар хилма-хиллиги ва уларнинг таҳлилига бағишланган. Тадқиқот ҳудуди бугунги кунга келиб кучли антропоген таъсирга учраганлиги сабабли Қарнобчўл ярим чўли ва Зирабулоқ-Зиёвуддин тоғларининг асл табиий-тарихий флористик хилма-хиллиги кескин ўзгаришларга учраган. Антропоген таъсир даражаси турлича бўлган яйлов майдонларида ўтказилган кузатувлар асосида Қарнобчўл ярим чўли ва Зирабулоқ-Зиёвуддин тоғлари яйлов хиллари таркибида асосан 51 та оила ва 226 та туркумга мансуб жами 292 турлар тарқалганлиги аниқланди. Алоҳида ҳудудлар кесимида оладиган бўлсак, Қарнобчўл яйловлари таркибида 36 оила ва 122 туркумга мансуб 152 турлар тарқалганлиги қайд этилди. 10 та ва ундан ортиқ турга эга бўлган оилалар 5 та (*Amaranthaceae*, *Poaceae*, *Asteraceae*, *Brassicaceae*, *Fabaceae*) ни

ташкил қилди. Ушбу оила турларининг яйлов хиллари турлар таркибидаги улуши 59,2% бўлиб, 90 та турдан иборат. Зирабулоқ-Зиёвуддин тоғлари яйлов хиллари таркибида 46 оила ва 176 туркумга мансуб 211 турлар қайд этилди. 10 та ва ундан ортиқ турга эга бўлган оилалар сони 7 та (*Asteraceae*, *Poaceae*, *Fabaceae*, *Lamiaceae*, *Boraginaceae*, *Brassicaceae*, *Rosaceae*). Ушбу етакчи оила турларининг улуши 56,9 фоизни (120 тур) ташкил этди.

Яйлов ўсимликлар қопламида учрайдиган турларнинг ҳаётий шакли ва ем-хашаклик даражаси бўйича тахлили ушбу ҳудуддаги антропоген трансформация жараёнларини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Олинган натижалар шуни кўрсатдики, тадқиқот ҳудуди яйлов ўсимликлар қопламида ўт ўсимликлар катта улушга эга. Бунда бир йиллик ўтлар 45 фоизни (133 тур) ва кўп йиллик ўтлар 41 фоизни (119 тур) ҳосил қилди. Яйлов хиллари таркибида аниқланган жами турларнинг 24 фоизи (70 тур) эса пасквал характерга эга. Яйлов фитоценозлари таркибида бир йиллик эфемерларнинг етакчилик қилиши ва пасквал турлар улушининг катталиги яйловларда антропоген омиллар таъсирининг кучайганлигидан дарак беради. Тадқиқот ҳудуди яйлов хиллари турлар таркибининг сезиларли қисмини озуқабоплик даражаси паст ва заҳарли ўсимликлар эгаллаган. Мазкур кўрсаткич Қарнобчўлда 62,5 фоиз ва Зирабулоқ-Зиёвуддин тоғларида 71,6 фоизни ташкил этди (1-жадвал).

1-жадвал

Яйлов ўсимликлар қоплами таркибидаги турларнинг озуқабоплик даражасига кўра тақсимланиши

Озуқабоплик даражасига кўра гуруҳлар	Қарнобчўл ярим чўли		Зирабулоқ-Зиёвуддин тоғлари	
	Тур сони	%	Тур сони	%
хуш кўриб ейиладиган	11	7,2	11	5,2
яхши ейиладиган	10	6,6	14	6,6
қониқарли ейиладиган	36	23,7	35	16,6
ёмон ейиладиган	61	40,1	81	38,4
ейилмайдиган	15	9,9	47	22,3
заҳарли	19	12,5	23	10,9
Жами	152	100	211	100

Тадқиқот ҳудуди яйлов хиллари ценофлорасининг турлар хилма-хиллиги, ҳаётий шакли ва ем-хашаклик хусусиятлари, пасквал турлар улуши бўйича олинган натижаларга таянадиган бўлсак, Қарнобчўл ярим чўли ва Зирабулоқ-Зиёвуддин тоғлари яйловларининг турлар таркиби сўнгги йилларда кучли антропоген босимга учраганлиги ва кўпгина абориген турларнинг ўсимликлар қопламидаги барқарорлиги катта хавф остида қолаётганлигини кўриш мумкин.

Иккинчи бўлим тадқиқот ҳудуди яйловларининг таснифига бағишланган. Қарнобчўл ва Зирабулоқ-Зиёвуддин тоғлари яйловларида олиб борилган геоботаник тадқиқотлар асосида ушбу ҳудуд яйловларининг


замонавий таснифи ишлаб чиқилди. Унга кўра, Қарнобчўлда 12 та яйлов типига мансуб 27 та яйлов хили, Зирабулоқ-Зиёвуддин тоғлари яйловларида 5 та яйлов типига мансуб 10 та яйлов хили қайд этилди. Аниқланган яйлов хилларининг тадқиқот ҳудуди бўйлаб географик тарқалиш хусусиятлари, яйлов фитоценозлари ценофлорасининг турлар таркиби, асосий доминант турлари, яйловларнинг мавсумий ҳосилдорлик кўрсаткичлари аниқланди. Шунингдек, яйлов хилларининг антропоген омиллар таъсирида алмашинувларга учраш даражалари фарқланди ва иккиламчи синтаксонлар аниқланди.

Тадқиқот ҳудудининг табиий-тарихий яйлов хиллари бугунги кунга келиб инсон хўжалик фаолиятининг таъсирида регрессив ўзгаришларга сабаб бўлган ва қатор иккиламчи антропоген яйлов типлари ва хилларининг шаклланишига олиб келган. Хусусан, Қарнобчўлдаги 27 та яйлов хилининг 16 таси, Зирабулоқ-Зиёвуддин тоғларидаги 10 та яйлов хилининг 4 таси чорва молларининг узоқ йиллар давомида муттасил боқилиши натижасида вужудга келган иккиламчи синтаксонлар ҳисобланади. Бу эса тадқиқот ҳудудида учрайдиган барча яйлов хилларининг 54 фоизи табиий-тарихий шароити ва хусусиятларини йўқотганлигини кўрсатади. Бундай номақбул яйлов хиллари экологик функциялари издан чиққан, биохилма-хиллик кескин қисқарган ва хўжалик имкониятлари чекланган экотизимларни ўзида намоён этади.

“Яйловлар ўсимлик қопламининг боқилиш шароитидаги индикацияси” номли тўртинчи бобда фитоценозларнинг чорва моллари боқилиши шароитида содир бўладиган фитоценотик ўзгаришлар ва уларни аниқлаш бўйича натижалар баён этилган.

Биринчи бўлим фитоценозларнинг боқилиш шароитидаги индикаторлик хусусиятларини аниқлашга бағишланган. Бугунги кунда тадқиқот ҳудуди яйловларида чорва молларининг бош сони кескин ортиб кетган бўлиб, бир бош майда шохли молга ўртача 1,9 гектар яйлов тўғри келади. Ваҳоланки, шувоқ-эфемерли ярим чўл шароитида бир бош молни йил давомида ўтлатиш учун камида 4,0-5,0 гектар яйлов талаб қилинади (Гаевская, Салманов, 1975). Яйловлардаги бундай юқори босим шароитида фитоценоз структурасида рўй берадиган дастлабки ўзгаришлардан бири, бу мавжуд турлар зичлигининг ортиши ёки аксинча камайишидир. Фитоценоздаги бундай тенденцияларни фарқлашда “кўпаювчи ва камаювчи” (ингл. *increaser/decreaser*) турлар номли экологик концепция катта ёрдам берди. Мазкур турлар боқилиш шароитида фитоценозда содир бўладиган ўзгаришларнинг илк огоҳлантирувчи индикатори (ингл. *early warning indicators*) сифатида кенг қўлланилади. Тадқиқот майдонларидаги (18 та) яйловларда *Carex pachystylis* ва *Poa bulbosa* боқилиш шароитида ана шундай хусусиятни ўзида акс эттирган дастлабки турлар сифатида намоён бўлди. Турли хил тупроқ шароитида, яъни сур-қўнғир ва оч тусли бўз тупроқли яйловларда боқилиш даражасининг ортиб бориши юқоридаги эфемероидларга ижобий таъсир кўрсатиб, улар қопламининг зичлашишига олиб келган. Бу ҳолатни эфемероидлар ер устки фитомассасининг ҳосилдорлик кўрсаткичлари билан тушунтириш мумкин. Икки даражали полиномиал тренд натижалари шуни кўрсатдики, боқилиш

даражасининг ортиши билан эфемероидлар фитомассаси ортиб борганлиги ва энг юқори инқироз даражасига етганда бу кўрсаткичнинг камайиши кузатилган (1-расм).



1-расм. Турли хил тупроқ шароитидаги тадқиқот майдонларида эфемероидлар (*Carex pachystylis* ва *Poa bulbosa*) ер устки фитомассаси

Иккала тупроқ шароитида инқироз даражаси паст бўлган майдонларда *C. pachystylis* ва *P. bulbosa* нинг биргаликдаги ер устки фитомассаси курук масса ҳисобида гектарига ўртача $2,0 \pm 0,34$ центнерни ташкил қилди. Инқироз даражасининг ортиши билан мос равишда эфемероидлар фитомассаси ҳам ортиб борди. Бундай ҳолатларда эфемероидлар фитомассаси гектарига ўртача $3,71 \pm 0,27$ центнерни ташкил қилди. Инқироз даражаси юқори бўлган майдонларда тупроқ юзасининг ушбу эфемероидлар томонидан қарийб 80-90 фоизга қопланганлик ҳолатлари тадқиқот худудининг кўплаб майдонларида кузатилди.

Фитоценозларда боқилиш шароитида содир бўладиган навбатдаги ўзгаришлардан бири фитоценоз таркибига пасквал турларнинг кириб келишидир. Бизга маълумки, узоқ муддатли ва юқори даражадаги боқилиш таъсирида бир йиллик ем-хашак турлари фитоценоз таркибидан сиқиб чиқарилган. Уларнинг ўрнига эса чорва моллари томонидан ейилмайдиган бир йиллик пасквал турлар фитоценоз таркибига кириб келган. Бундай пасквал турлар сифатида қуйидаги эфемерлар намоён бўлди: *Capsella bursa-pastoris*, *Descurainia sophia*, *Vulpia ciliata*, *Ceratocephalus falcatus*, *Papaver pavoninum*, *Hordeum leporinum*. Фитоценоз қуйи ярусидан ушбу пасквал турларнинг пайдо бўлишини яйловларда боқилиш таъсирида рўй бераётган регрессив ўзгаришларнинг фитоиндикатори сифатида баҳолаш мумкин.

Боқилиш шароитида эфемер-эфемероидлар синузиясида содир бўлган алмашинувлар фонидан ярим буталар синузиясида ҳам фитоценостик ўзгариш белгилари кузатилди. Бу ўзгаришлар аввало *Artemisia diffusa* туплар сони ёки


зичлигининг кўпайиши билан боғлиқ. Олинган натижаларга кўра, икки хил тупроқ шароитида ҳам боқилиш даражасининг ортиши *A. diffusa* туплар сонининг ҳам ортишига олиб келган. Эталон майдонларда шувоқ туплар сони гектарига ўртача 20233 тупни ташкил қилган бўлса, боқилиш даражаси ортишининг дастлабки босқичларида 35400 тупга етганлиги кузатилди. Демак, шувоқ индивидлари сонининг гектарига 35-40 минг тупдан ортиши боқилиш шароитида фитоценознинг навбатдаги индикацион белгиларидан бири сифатида қабул қилиш мумкин. Кейинги босқичларда боқилиш даражасининг кескин ортиб бориши шувоқ туплари сонининг бир текисда камайишига сабаб бўлган, сўнгги босқичга келиб шувоқ эса кучли инқироз оқибатида фитоценоз таркибидан чиқиб кетган.

Боқилиш шароитида фитоценозларнинг кейинги ўзгариш белгиси, бу – турлар таркибида *Iris songarica* ва *Peganum harmala* каби кўп йиллик пасквал ва реактив турларнинг пайдо бўлишидир. Мазкур реактив ўсимликларнинг турлар таркибида пайдо бўлиши боқилиш омилининг узок муддатли таъсирининг маҳсулидир. Пасквал турларнинг дастлабки тарқалиш босқичида *I. songarica* нинг гектарига 500-1000 туп, *P. harmala* нинг эса 300-500 тупни ҳосил қилиши яйлов инқирозининг жиддий огоҳлантирувчи индикатори ҳисобланади. Бу эса муҳитнинг ички фитоценозлик мувозанати бузилганлиги ва фитоценознинг кескин трансформация бўсағасида турганлигидан дарак беради. Кейинги босқичларда уларнинг туплар сони ортиб бориб, жадал тарқалиш босқичига етганда *I. songarica* ва *P. harmala* нинг индивидлар сони мос равишда гектарига 35500 ва 10400 тупни ҳосил қилган. Олинган натижалардан кўринадики, эфемерли-эфемероидли-шувоқзор фитоценозлари ва унинг структураси чорва молларининг муттасил боқилиши шароитида кучли фитоиндикацион белгиларни ўзида акс эттирди.

Иккинчи бўлимда табиий шароитдаги ва турли даражада инқирозга учраган фитоценозларнинг биомасса ҳосил қилиш хусусиятлари, уларнинг сифатий ва миқдорий ўзгариш қонуниятлари муҳокама қилинган. Дала шароитида олиб борилган кузатувлар ва боқилиш градиенти бўйлаб фитоценоз турлар таркибининг ўзгаришлари асосида танланган 18 та яйлов майдонлари турли инқироз даражаларига (бошланғич, паст, ўрта ва юқори) ажратилди ва алоҳида инқироз даражасига тегишли яйлов майдонлари фитоценозлик кўрсаткичларнинг ўртача арифметик қийматлари ҳисоблаб топилди. Фитоценозлар структурасининг инқироз градиенти бўйича кескин ўзгаришларга учраганлиги уларнинг умумий ер устки биомасса (барча турларнинг кўп йиллик ёғочлашган ва бир йиллик яшил қисми) захирасининг ҳам бир-биридан сезиларли фарқ қилишига олиб келган. Олинган натижалар шувоқзор фитоценозлари ер устки биомассасининг боқилиш босимининг ортишига мос равишда камайиб боришини кўрсатди. Сур-қўнғир тусли тупроқли яйловлардаги умумий биомасса захираси инқироз градиенти бўйлаб абсолют куруқ масса ҳисобида гектарига $14,3 \pm 3,3$ дан $9,4 \pm 3,1$ центнерга камайган. Оч тусли бўз тупроқлар шароитида табиий ҳолатдаги яйловларнинг биомасса кўрсаткичи гектарига куруқ масса ҳисобида $16,7 \pm 2,1$ центнерни ташкил қилган бўлса, инқирознинг охири босқичига келиб бу

кўрсаткич $6,2 \pm 1,8$ центнерга тушган.

Яйловларда шувоқ ва пасквал турлар бир йиллик яшил массасининг инқироз градиенти бўйича ўзаро улуши яйлов сифатини белгилаб берувчи муҳим фитоценотик кўрсаткичлардан бири сифатида намоён бўлди. Сур-кўнғир тусли тупроқли яйловларда шувоқнинг бир йиллик ейилувчан яшил қисми табиий ҳолатдаги яйловларда умумий яшил массанинг 46,3 фоизини ташкил қилган бўлса, тўлиқ инқирозга учраган яйловларда 2,0 фоизга тушган. Шунга ўхшаш ҳолат оч тусли бўз тупроқларда ҳам кузатилиб, мос равишда 66,1% ва 0,1% ни ташкил қилган. Бунга тескари тарзда фитоценозда инқироз даражасининг ортиши билан пасквал ўсимликлар яшил массасининг улуши икки хил тупроқ шароитида ҳам кескин ортиб борганлиги кузатилди (2-расм).



2-расм. Фитоценозлардаги доминант турлар бир йиллик яшил биомассасининг инқироз градиенти бўйича ўзгариши

Тадқиқот майдонларида кузатилаётган инқироз жараёнлари табиий шувоқзорлар фитоценотик структурасининг регрессив ўзгаришларига сабаб бўлган. Чорва молларининг сурункали боқилиши оқибатида фитоценозлар таркибидаги тарихан шаклланган абориген ўсимликлар ўрнини пасквал ёки яйлов бегона турлари эгаллаганлиги намоён бўлди. Инқироз оқибатида яйлов экотизимларида фитоценозларнинг биомасса ҳосил қилиш қобилияти кескин пасайган. Бу эса бугунги кунда иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатишда муҳим саналган яйловларнинг углерод секвестрацияси потенциалини камайишига сабаб бўлган деб баҳолаш мумкин.

Диссертациянинг “Яйлов ўсимликлар қоплами трансформациясининг диагностикаси” деб номланган бешинчи бобида яйловлардан фойдаланиш мобайнида инқироз босқичларини баҳолашнинг ишончли мезонлари, улар асосида яратилган яйловлар алмашинувининг концептуал экологик моделлари ва ушбу моделларнинг бошқа чўл яйловлари ҳолатини баҳолашдаги имкониятлари муҳокама қилинган.

Биринчи бўлимда яйлов инқирозини баҳолашнинг фитоценотик миқдорий мезонлари ишлаб чиқилган. Фитоценотик кўрсаткичлар орасида кўп йиллик доминант турларнинг зичлиги ёки туплар сони ва эфемероидлар фитомассаси яйлов инқирози даражаларини баҳолашда абсолют фитоиндикатор сифатида намоён бўлди. Инқироз даражаларининг ортиши билан ушбу турларнинг туплар сони ўзига хос тарзда ўзгариш хусусиятларини намоён қилди. Бунда инқирознинг илк босқичларида *Artemisia diffusa* туплар сони ортган бўлса, кейинги босқичларда камайиб борган, пасквал турлар (*Peganum harmala*, *Iris songarica*) эса босқичма-босқич кўпайиб борган (2-жадвал).

2-жадвал

Яйлов инқирозини баҳолашнинг миқдорий мезонлари


Фитоценотик мезонлар	Яйлов инқирози даражалари			
	бошланғич	паст	ўрта	юқори
<i>сур-қўнғир тупроқли яйловлар</i>				
Эфемероидлар фитомассаси, ц/га	2,0±0,18	1,8±0,12	3,1±0,21	2,8±0,24
<i>Artemisia diffusa</i> туплар сони, гектар ҳисобида	19267±2283	47193±4889	34453±4539	1650±148
<i>Iris songarica</i> туплар сони, гектар ҳисобида	172±46	1442±193	3595±461	27084±1326
<i>Artemisia diffusa</i> фитомассаси, ц/га	1,8±0,19	2,9±0,44	0,9±0,07	0,1±0,02
<i>оч тусли бўз тупроқли яйловлар</i>				
Эфемероидлар фитомассаси, ц/га	2,6±0,13	3,0±0,11	4,1±0,56	3,4±0,23
<i>Artemisia diffusa</i> туплар сони, гектар ҳисобида	21200±2334	29208±3263	10474±1179	366±58
<i>Peganum harmala</i> туплар сони, гектар ҳисобида	0	411±57	2492±497	6687±1100
<i>Artemisia diffusa</i> фитомассаси, ц/га	3,6±0,09	4,2±0,37	1,2±0,08	0,1±0,03

Фитоценоз таркибидан шувоқнинг чиқиб кетиши билан *I. songarica* ва *P. harmala* каби пасквал турларнинг тўлиқ устунликка эришиши кузатилди. Сур-қўнғир тупроқли яйловлар шароитида *I. songarica* гектарига 25-30 минг туп ҳосил қилган бўлса, оч тусли бўз тупроқлар шароитида *P. harmala* индивидлар сони гектарига 6,5-7,0 мингга етди.

Фитоценозларнинг чорва моллари боқилиши шароитидаги айрим индикатор белгилари (эфемероидлар қопламининг қалинлашиши, доминант турларнинг туплар сони ва фитомассаси) яйлов инқирозининг фитоценотик мезонларини белгилашда асос бўлиб хизмат қилди. Айниқса, фитоценоздаги абориген (*A. diffusa*) ва пасквал (*P. harmala*, *I. songarica*) турларнинг ўзаро миқдорий нисбатлари яйлов инқирози даражалари ва уларнинг фитоценотик

чегараларини аниқлашнинг абсолют индикатори сифатида намоён бўлди. Ишлаб чиқилган мазкур фитоценотик мезонлар республикамизнинг бошқа ярим чўл ҳудудларидаги шувокли яйловларнинг инқироз даражаларини аниқлашда фойдаланилиши мумкин.

Иккинчи бўлим яйлов фитоценозларининг иккиламчи алмашинувларини экологик-фитоценотик моделлаштириш масалаларига бағишланган. Турли тупроқ шароитларида тарқалган фитоценозларнинг боқилиш омили таъсирида рўй берадиган алмашинув қаторлари ишлаб чиқилган (3-расм).



3-расм. Турли тупроқ шароитларидаги шувокзор яйловларининг алмашинув қаторлари

Қарнобчўлнинг сур-кўнғир тусли ва оч тусли бўз тупроқ типлари шароитида тарқалган табиий шувокзорлар структураси *Artemisia diffusa*, *A. turanica* ва типик бир йиллик эфемерлардан (*Astragalus campylorhynchus*, *A. filicaulis*, *Trigonella noeana*, *Holosteum umbellatum*, *Alyssum desertorum*, *Leptaleum filifolium*, *Eremopyrum buonapartis* ва бошқ.) таркиб топган. Яйлов фитоценозларининг бундай шароитга эга бўлиши алмашинув қаторларининг дастлабки босқичи бўлиб, унда инқироз белгилари кузатилмади. Боқилиш даражасининг ортиши тупроқ шароитларига (тупроқ типи ва механик таркиби) боғлиқ равишда турлича оралик босқичларнинг ҳосил бўлишига олиб келди. Мазкур оралик босқичлардаги фитоценозларда кўп йиллик пасквал турлардан (*P. harmala*, *I. songarica*) бири фитоценозда устунликка эга

бўлди. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, сур-қўнғир тусли тупроқларда бир-биридан фарқ қилувчи 2 та оралик босқич вужудга келган. Бунда оғир кумоқли сур-қўнғир тусли тупроқлардаги фитоценозларда *I. songarica* устун бўлса, ўрта кумоқли сур-қўнғир тусли тупроқларда *P. harmala* фитоценоз таркибида доминант тур сифатида намоён бўлди. Ушбу сукцессион қаторлар ва уларнинг кетма-кетликдаги босқичлари тупроқ шароитига боғлиқ равишда шаклланган. Тупроқ юза қаватининг зичлашиши, эфемероидлар қопламанинг қалинлашиши, бир ва кўп йиллик пасквал турлар сони ҳамда улушининг ортиши каби боқилиш шароитида шаклланадиган индикацион белгилар турли тупроқ шароитларида алоҳида қаторлар ва босқичларнинг шаклланишига олиб келган.


Учинчи бўлимда Қарнобчўл ярим чўли яйловлари шароитида яратилган экологик-фитоценотик мезонлар ва моделларнинг бошқа чўл худудларидаги яйловларни баҳолашдаги имкониятлари муҳокама қилинган. Яратилган моделлар Қизилкум ва Нурота текисликларида танланган яйлов майдонларининг чорва моллари боқилиши шароитидаги антропоген трансформациясини аниқлаш ва уни баҳолашда қўлланилди. Олинган натижалар шуни кўрсатдики, Қарнобчўл яйловлари шароитида яратилган экологик модел ва ёндашувлар Қизилкумнинг кумли чўл яйловлари ва Нурота текисликларидаги ярим чўл яйловларининг чорва моллари боқилиши шароитидаги содир бўлаётган регрессив ўзгаришлар ва уларнинг йўналишларини аниқлаш, яйловларнинг бугунги экологик-фитоценотик ҳолатини баҳолашда ушбу усулларнинг ишончли эканлигини кўрсатди.

“Масофавий зондлаш усуллари асосида яйловларни баҳолашнинг уйғунлашган усулларини ишлаб чиқиш” деб номланган олтинчи бобда яйлов фитоценозларида рўй бераётган ўзгаришлар ва инқироз даражаларини аниқлашда потенциал вегетацион индексларни ўрнатиш, мазкур индекслар ёрдамида яйловларнинг узоқ йиллик ўзгариш трендларини таҳлил қилиш, инқирозга учраган яйловларни масофавий зондлаш усуллари ёрдамида аниқлаш ва яйлов ҳосилдорлиги хариталарини тузиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари муҳокама қилинган.

Биринчи бўлим яйлов ўсимликлар қопламини баҳолашда потенциал вегетацион индекс (ВИ) ни аниқлаш масалаларига қаратилган. Ўзбекистон чўл ва ярим чўл шароитида ВИ ларнинг ўсимликлар қопламини қайд этишдаги потенциали илгари қиёсий ўрганилмаган. Шу мақсадда, глобал миқёсда энг кўп қўлланиладиган 5 та спектрал ВИ (NDVI, SAVI, EVI, PVI, TSAVI) ларнинг тадқиқот худуди шароитида ўсимликларни қайд этиш имкониятлари натурада олинган фитоценотик маълумотлар билан ўзаро қиёсий солиштирилган ҳолда ўрганилди. Бунда танланган ВИ лар ва ўсимлик яшил фитомассаси ўртасидаги корреляцион боғлиқлик кўрсаткичлари ўзаро солиштирилди. ВИ ларнинг ўсимликларни қайд этишдаги мавсумлар (баҳор, ёз, куз) давомидаги сезувчанлик хусусиятлари таҳлил қилинди. Дастлабки босқичда мавжуд барча мавсумий (баҳор, ёз, куз) фитомасса маълумотлари (алоҳида мавсумларга ажратилмаган ҳолда) ВИ кўрсаткичлари билан ўзаро боғлиқлик даражалари таҳлил қилинди. Олинган натижаларга кўра,

статистик нуктаи назардан барча ВИ лар яшил фитомасса билан юқори детерминация коэффициентларини ($r^2 > 0,7$) ҳосил қилди. Эътиборли томони шундаки, барча мавсумлардаги фитомасса маълумотлари бирлаштирилган шароитда алоҳида ВИ ларнинг детерминация коэффициентлари ўртасида катта фарқ кузатилмади.

ВИ ларнинг ўсимлик қопламини қайд этиш имкониятларини янада чуқурроқ таҳлил қилиш учун уларнинг алоҳида мавсумлар, яъни баҳор, ёз ва куз мавсумлари бўйлаб фитомасса билан ўзаро боғлиқлик даражалари таҳлил қилинди. Бундай мавсумий таҳлил куз мавсумида вегетациясини давом эттирадиган табиий шувокзорларни инқирозга учраган майдонлардан фарқлашга катта ёрдам беради. Таҳлилларга кўра, мавсумий яшил биомасса кўрсаткичларига алоҳида ВИ ларнинг турлича муносабатда бўлганлиги намоён бўлди ва детерминация коэффициентларининг бир-биридан кескин фарқ қилишига олиб келди. Айниқса, куз мавсумида NDVI да фотосинтезловчи яшил биомассани қайд этиш имконияти бошқа вегетацион индексларга нисбатан юқори ($r^2 > 0,74$) эканлигини кўрсатди (4-расм).



4-расм. Мавсумий яшил биомасса кўрсаткичлари ва NDVI ўртасидаги ўзаро боғлиқлик коэффициентлари

